

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ УЛУҒБЕК САЙФУЛЛОЕВИЧ

ТЕОДОР ДРАЙЗЕР ВА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИДА
НАТУРАЛИЗМ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: [821.111(73)Драйзер.06:821.512.133Қодирий.06].091:7.036.1

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич

Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятлари 3

Очилов Улуғбек Сайфуллоевич

Особенности Натурализма в творчестве Теодора Драйзера и Абдуллы
Кадиры..... 25

Ochilov Ulugbek Sayfulloevich

Features of Naturalism in the Works of Theodore Dreiser and Abdulla Kadiriyy... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ УЛУҒБЕК САЙФУЛЛОЕВИЧ

ТЕОДОР ДРАЙЗЕР ВА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИДА
НАТУРАЛИЗМ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Fil71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сирожиддинов Шухрат Самариддинович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: Муродов Ғайрат Некович
филология фанлари доктори, профессор
Давлатова Муҳайё Ҳасановна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» ноябрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (196 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «08» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «08» ноябр даги 22-26 - рақамли реестр баённомаси.)



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XIX-XX асрлар кўплаб янги адабий оқимларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ривожланиш омилларини, жамият ва табиатнинг инсон руҳиятидаги инъикосини, муаллиф-бадиий асар-китобхон муносабатларини, турли миллат адиблари ижоди орасидаги ижтимоий-руҳий боғлиқликлар, зиддиятларни ўрганиш, асарларини чоғиштирма таҳлил қилиш, янгича бадиий асарлар яратиш имкониятларини излаш даври бўлди. Зеро, Натурализм оқими кўрсаткичи – инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганиш, унинг тарбиявий, сентиментал, фалсафий характерини белгилаш, ушбу оқимнинг дунё адабий-назарий тафаккури тарихидаги мавжуд воқелик экани, шахс ва оломон муносабатларини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаши, интертекстуаллик ва интердискурсивлик назарияларининг бойитилишида муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида инсон омилининг бадиий асарда воқеланиши, жамият, табиат ва шахснинг ўзаро боғлиқлиги хусусиятларининг турли мамлакатлар адабий жараёнлари ривожи нуқтаи назаридан қиёсий ўрганилиши миллий адабиётлар тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Инсон ва жамият ўзаро таъсири гавдалантирилган XIX-XX асрлар АҚШ ҳамда ўзбек натуралистик насридаги ҳаёт материалининг, ушбу давр шароитида ижод этган ёзувчиларнинг ижтимоий ва миллий ижод тафаккурини, руҳий оламини ёритиш маҳоратини, икки ижтимоий муҳит вакиллари – машҳур АҚШ ёзувчиси Теодор Драйзер ва таниқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий ижод услубларининг поэтик тараққиёт хусусиятларини, уларда қаҳрамонларнинг ички характер динамикасини кузатиш, образ танлаш ва уни тасвирлаш маҳоратидаги идеографик белгиларни ёритиш қиёсий адабиётшунослик соҳасининг илмий талқин доирасини кенгайтириш, тарихий асарларда бадиий замон концепциясини шакллантириш имконини беради.

Мамлакатимизнинг бугунги кундаги жадал ривожланиш босқичи – “...халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилиши”¹ янги босқичида миллий адабиётшунослигимизда фалсафий-фундаментал асарларни, улардаги образлар ва хронотопни жаҳон Ренессанси даври ижод намуналари, энциклопедик характерга эга бўлган шоҳасарлар билан қиёсий-типологик тадқиқ этиш устувор вазифалар қаторига киради. Дунёда энг кўп тарқалган инглиз тилидаги бадиий адабиётларни аслият тилида ўрганиш, уларни қиёсий таҳлил (анализ) ва умумлаштириш (синтез) воситасида ўзбек тилидаги адабий асарлар билан чоғиштириш, иккала ноқардош адабиёт вакиллари ижоди орасидаги муштарак ва айри хусусиятлар, уларнинг шаклланишида ижтимоий фикрнинг ролини аниқлаш қиёсий адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. //http://uza.uz/posts/3452

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Теодор Драйзер ижоди, унда ҳаётий ҳақиқат мавжудлиги, ўзи яшаган жамиятнинг салбий томонларини катта жасорат билан танқид қилинганлиги, ўзидан кейинги авлодга таъсири туфайли, жаҳон адабий танқидчилигида муносиб баҳоланиб келмоқда. Натурализм ва Драйзер асарларидаги натуралистик хусусиятлар инглиз-америка адабиётшунослигида катта эътибор қозонган ва баҳсу мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, Дэвид Бэгули, Роберт Баннистер, Кэролайн Фрейзер Блейкли, Донна Кэмпбелл, Джон Дадли, Дэвид Бэгули, Джозеф Эпштейн, Мириам Гоголь, Джун Ховард, Ричард Лехан, Уолтер Бенн Майклс, Г. Менкен² ва яна кўплаб инглиз ва америка адабиётшуносларининг илмий ишларида натурализм ижодий методи ва Драйзер асарлари ҳақида ёзилади. Бу соҳада ишлаганлар жуда кўп бўлиб, уларнинг номларини яна давом

² Baguley, David. *Naturalist Fiction: The Entropic Vision*. Cambridge: Cambridge UP, 1990; Bannister, Robert. *Social Darwinism: Science and Myth in Anglo-American Thought*. Philadelphia: Temple UP, 1979; Blakely, Carolyn Frazier. *Naturalism in the Novels of Theodore Dreiser*. – USA: Oklahoma State University, 1984; Campbell, Donna. “American Literary Naturalism: Critical Perspectives”. *Literature Compass*, vol. 8, no. 8, 2011, pp. 499-513; Dudley, John. *A Man’s Game: Masculinity and the Anti-Aesthetics of American Literary Naturalism*. - Tuscaloosa: U of Alabama P, 2004; Epstein, Joseph. *The Mystery of Theodore Dreiser*. - USA, //The New Criterion, Volume 5, Number 3. -2021. -P.40-42; Feldman, Leonard Mark. *A Matter of Money: Money and the World of the American Novels, 1893-1940*. –USA: University of California, 1981; Gogol, Miriam. *Theodore Dreiser. Beyond Naturalism*. - New York and London: New York University Press, 1995; Howard, June. *Form and History in American Literary Naturalism*. - Chapel Hill: U of North Carolina P, 1985; Joyce, Simon. *Modernism and Naturalism in British and Irish Fiction, 1880-1930*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2014; Lehan, Richard. *Realism and Naturalism: The Novel in an Age of Transition*. – Wisconsin: University of Wisconsin Press, 2005; Michaels, Walter Benn. *The Gold Standard and the Logic of Naturalism: American Literature at the Turn of the Century*. – USA: University of California Press, 1987; 58. Menken G. *Theodore Dreiser. The Critical Reception*. – New York, 1972; Pizer, Donald. *Twentieth-Century American Literary Naturalism: An Interpretation*. – USA: Southern Illinois University Press, 1982.

этириш мумкин. Ҳатто бу олимлар ёзган асарларининг номланишининг ўзи мавзунинг мунозарали эканлигини кўрсатади.

Натурализм рус адабиётшунослари томонидан ҳам маълум даражада ўрганилган. Е.В.Барнашова, Я.Н.Засурский, В.И.Кулешов, М.Мендельсон, О.Е.Осовский, О.Н.Проваторова, Т.Родина, Р.М.Самарин, Е.Б.Тагер, С.И.Чуприниннинг монография, мақола ёки диссертацияларида натурализм ҳақида, бу ижодий метод ва адабий оқимнинг ҳар бир ёзувчи ижодида қай тарзда намоён бўлиши ҳақида, Теодор Драйзернинг ижоди ҳақида фикрлар билдирилган.³

Ўзбек адабиётшунослигида ва ўзбек тилида натурализм ҳақида илмий ишлар мавжуд бўлмаса-да, Абдулла Қодирийнинг ижод йўли, асарларининг поэтик хусусиятлари, ўзига хосликлари, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қиссасида бош қаҳрамонлар талқини, ёзувчилик маҳорати, унинг адабиётдаги кейинги авлод вакилларига, Марказий Осиё романчилигига таъсири У.Норматов, Б.А.Каримов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, И.Ҳаққул, У.Тўйчиев, Х.Лутфиддинова, Ғ.Муродов, А.Сирожиддин, С.Урунова каби муаллифлар ва бошқаларнинг турли ҳажмдаги илмий ва публицистик мақола, монография ва диссертацияларида илмий изланишлар олиб борилган.⁴ Ушбу тадқиқотларда Абдулла Қодирий ижоди ва унинг асарларидаги ўзига хосликлар ҳақида кенг ва чуқур маълумот берилган

³ Барнашова Е.В. Натуралистическая тенденция в русской литературе 1840-х годов: Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Томск,. 1983; Засурский Я.Н. Теодор Драйзер: жизнь и творчество. 1077; Кулешов В.И. Натуральная школа в русской литературе XIX века. Изд. 2-е. Москва: Просвещение, 1982; Кулешов В.И. Писатели-натуралисты // История русской литературы XIX века (70-90-е годы). Москва, 1983; Мендельсон М. “Американская трагедия” Теодора Драйзера.-1971; Осовский О.Е. Детерминистская проза: натурализм в американской литературе // РЖ Общественные науки за рубежом. Серия 7. Литературоведение.- 1991.- №3; Проваторова, О.Н. Натуралистические тенденции в творчестве А.П. Чехова //Пуришевские чтения: Переходные периоды в мировой литературе и культуре: сборник статей и материалов. Москва: МПГУ, 2007. -С.177-178; Проваторова, О. Н. Натуралистические тенденции в рассказе А.П. Чехова «Мужики» //Творчество А.П. Чехова. Сб . научных трудов / -Таганрог: ТПИ, 2007. - С. 115 – 123; Родина Т. Натурализм и антинатурализм. В кн.: Вопросы эстетики, вып. 9. М., 1971, с. 149-178; Самарин Р.М. Проблемы натурализма в литературе США и развитие американского романа на рубеже XIX -XX веков. - В кн.: Проблемы истории литературы США. Москва, 1964, с. 287-346; Тагер Е.Б. Проблемы реализма и натурализма. В кн.: Русская литература конца XIX - начала XX в.: девяностые годы. Москва, 1968, с. 142-188; Чупринин С.И. Натурализм в русской литературе 80-90-х годов XIX века: Автореф. дисс. , канд. филол. наук» Москва.: 1980.

⁴ Карим, Б. А. Қодирий ва герменевтик тафаккур – Тошкент : Akademnashr, 2014;

Каримов Б. Абдулла Қодирий. –Тошкент: «Фан». 2006; ;Каримов, Н. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 3. – Б. 3–10; Каримов,Н. Абдулла Қодирий нега катагон қилинган? //Ишонч газетаси 2018 йил, 10 апрель, 42-сон; Лутфиддинова, Х. Кумушбиби – эстетик идеал намунаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 4. – Б.42–45; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Тошкент:Фан. – 1992; Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. – Тошкент: Ғафур Ғулом – 2001; Мирвалиев С. Ўзбек романчилиги. – Тошкент, 1999; Мирвалиев С. Биринчи ўзбек романи. – Тошкент: Тафаккур. 1987, 2-сон. 17-19 б.; Муродов Ғ. Тарихий роман генезиси ва табиати. –Тошкент:Фан, 2006; Норматов У. Қодирийнинг сўнги илтижоси (Адиб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари) - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014; Норматов У. Қодирий боғи. Т.:Фан, 1995; Норматов У. Сўзбоши. /Қодирий, Абдулла. Обид кетмон - Тошкент: Info Capital Group, 2017. 5-18 б.; Норматов У. Ўзбек романчилиги ҳақида. –Тошкент, 1982; Норматов, У. «Ўтган кунлар» романи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 2. – Б. 49–57; Сирожиддин, А. «Ўтган кунлар»да жамият ва шахс муаммоси:// Ниқоқ ва бurch. – 2014. – № 4. – Б. 34–37; Урунова, С. Ш. XX аср биринчи ярмида АҚШ ва ўзбек адабиётларида аёллар образлари : (Т. Драйзер ва А. Қодирий асарлари мисолида) //Илмий тадқиқотлар ахборотномаси – 2010. – № 4. –Б.56–58; Улуғов, А. Замон ва макон мусаввири: [Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги образлар ҳақида] // Sharq yulduzi. – 2015. – № 2. – Б. 189–194; Ҳаққул, И. «Меҳробдан чаён» романида маънавий мағлубият тасвири / Иброҳим Ҳаққул // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2016. – № 2. – Б. 13–20;

бўлса-да, унинг ижодидаги натуралистик хусусиятлар ҳақида сўз юритилмаган. Фақатгина Сотти Хусайн 1931 йилда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида натуралистик хусусиятлар ҳам борлигини қисқача эслатиб ўтган.⁵ Аммо Сотти Хусайннинг натурализм ҳақидаги тушунчаси билан натурализмнинг ҳозирги замон талқини орасида катта фарқ кўзга ташланади.

Эътиборга ҳавола этилаётган мазкур диссертацияда эса, юқорида номлари эслатиб ўтилган илмий ишлардан фарқли ўлароқ, Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирийнинг асарларидаги натурализм хусусиятлари қиёсий адабий таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот режасининг “Хорижий адабиётшунослик ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади америка ёзувчиси Теодор Драйзер ва ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ижодида натурализм хусусиятларини қиёсий ўрганиб, улар замиридаги муштарак ва ўзига хос жиҳатларни, буларга сабаб бўлган омилларни тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

Америка, инглиз, ўзбек ва рус адабиётшуносларининг натурализм ҳақидаги фикрларини ўрганиб, умумлаштириб, уларнинг натурализмга турлича ёндашганларини эътиборга олган ҳолда мазкур диссертацияда бу термин қандай маънода қўлланишини аниқлаштириш;

Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри”(“Sister Carrie”), “Америка фожиаси”(“An American Tragedy”) ва “Даҳо”(The “Genius”) асарларидаги натурализм хусусиятларини ўрганиш;

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид кетмон” қиссасини натурализмга алоқадорлик жиҳатларини таҳлил қилиш;

Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий натурализмнинг ўзига хослиги, бадиий образ танлаш ва уни тасвирлаш маҳоратидаги типологик ва индивидуал белгиларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри”(Sister Carrie), “Америка фожиаси”(An American Tragedy), “Даҳо”(The “Genius”), Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ва “Обид Кетмон” қиссаси ҳамда улар ҳақидаги илмий ишлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини АҚШ ёзувчиси Теодор Драйзер ва ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг ижодида натурализм хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида бадиий матн таҳлили, чоғиштира таҳлил, биографик, тарихий-қиёсий, ижтимоий-маданий, когнитив-дискурсив каби таҳлил методларидан фойдаланилди ҳамда Диониз

⁵ Хусайн С. «Ўткан кунлар». -Тошкент - Баку, 1931.

Дюришин⁶, В.М.Жирмунский⁷ ва Давид Дамрошларнинг⁸ қиёсий адабиётшунослик борасидаги ўғитларига таянилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

XX асрдаги жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари, анъаналари ва уларнинг ривожланиши Теодор Драйзер ҳамда Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятлари, унинг бадиий концепцияси, ғоявий-ахлоқий моҳияти, муаллиф эстетик стратегияси, тафаккури, лисоний элементларнинг конструктив функциялари орқали намоён бўлганлиги асосланган;

Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодида ёзувчилар яшаган жамиятдаги даҳшатли воқеалар, ноҳақликлар, уларнинг инсон онгига, табиатига, ҳатти-ҳаракатига таъсири, золим жамиятдан қочиш, муаммони мантиқий ҳал этишда тушкунлик, муаммони четлаб ўтиш каби мотивларни воқелантиришдаги муаллиф тафаккури, қаҳрамоннинг шахсий муаммолари, маънавий ва психологик изланишлари етакчи ўрин эгаллаши исботланган;

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларидаги бадиий-тарихий, ғоявий-ижтимоий шартланганлик, оила муҳити ва ўша даврдаги ўзгаришлардаги устиворлик ва асосий қаҳрамонлар табиати ўзаро чоғиштирилиб, Отабек, Кумуш ва Зайнаб образларининг натуралистик образлар эканлиги; Раъно ва Анвар образларида эса мазкур калоритнинг мавжуд эмаслиги далилланган;

хар иккала адиб асарларида натурализмнинг муштарак ва фарқли жиҳатларига сабаб бўлган макон, замон, ижтимоий муҳит таъсири бадиий акс эттирилишида муаллиф тафаккури, воқелик дискурси, лисоний элементларнинг конструктив функциялари, адабий таъсир каби поэтик хусусиятларининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Натурализм адабий оқимининг Америка ва ўзбек адабиётида ўрганилиши, ушбу ижодий методнинг XX аср америка ва ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни, натурализмга нисбатан турлича фикрлар ва муносабатларнинг сабаблари умумлаштирилган;

XX аср Америка ва ўзбек реалистик насрида Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий томонидан яратилган эпик турга мансуб романларда натурализм хусусиятларининг қиёсланганлиги, Теодор Драйзернинг жаҳон адабиётшунослигида энг кўзга кўринган натуралист сифатида тан олинганлиги, Абдулла Қодирийнинг эса фақатгина “Ўткан кунлар” романида натурализм хусусиятларининг мавжудлиги изоҳланиб, ижоди қиёсий ўрганилаётган ёзувчиларнинг асарларига замон ва макон таъсирида содир бўлган ўзига хосликлар аниқланган;

юқорида қайд қилинган қиёсий ўрганишлар Қиёсий адабиётшунослик, Адабиёт назарияси, Чет эл адабиёти, Адабий оқимлар эволюцияси каби фанлардан яратилажак илмий ва амалий адабиётларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

⁶ Дюришин, Диониз. Теория сравнительного изучения литературы. –Москва: прогресс, 1979.

⁷ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Ленинград: Наука, 1979.

⁸ Damrosch, David. Literary Criticism. - Princeton: Princeton University Press, 2020.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзусининг Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг Ҳаракатлар стратегияси мақсадларига мувофиқлиги, ишда жаҳон миқёсида илмий-назарий қараш, амалий тажрибалар ўрганилганлиги, қўлланилган тадқиқот усуллари, таҳлил қилинган материалнинг ҳажми талаб даражасидалиги, адабиётшуносликда аввал ўтказилган тадқиқотларнинг назарий қоидалари тажрибаси, шунингдек ўтказилган тадқиқот натижаларининг диссертация иши назарий қоидаларига мослиги билан таъминланади; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга тадбиқ этилган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшуносликда XX асрда юзага келган янги йўналишлар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларга замон ва макон таъсирини аниқлаш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларида яратилган асарларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда улар орасидаги ижодий мувофиқлик ҳолатларини излаш, бадиий асар таҳлилида ўша асар мансуб бўлган адабий оқим хусусиятларини инобатга олиш, қиёсий адабиётшунослик соҳасидаги ўзбек тилида бажараладиган илмий ишларни такомиллаштириш учун илмий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияни ёзиш жараёнида олинган хулосалар, унда келтирилган янги адабий материаллардан “Жаҳон адабиёти”, “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабий танқидчилик тарихи”, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт”, “Адабий оқимлар эволюцияси” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотларни олиб бориш, магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, инглиз тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун инглиз адабиётига оид янги ўқув материалларининг ишлаб чиқишда, мавзуга оид рисола, ўқув қўлланмалари ёзишда, XX аср Америка ва ўзбек адабиёти бўйича умумий курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

XX асрдаги жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари, анъаналари ва уларнинг ривожланиши Теодор Драйзер ҳамда Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятлари, унинг бадиий концепцияси, ғоявий-ахлоқий моҳияти, муаллиф эстетик стратегияси, тафаккури, лисоний элементларнинг конструктив функцияларига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 31 мартдаги №701/69-сон

маълумотномаси). Натижада танланган асарлар доирасидаги таҳлиллар асосида ижтимоий муҳитнинг персонажлар табиати шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатишига оид хулосалар лойиҳа доирасида лисоний маданиятни шакллантириш методлари самарадорлигини оширишда, мавжуд дастурлар ва қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилиши аниқланган;

хар иккала адиб асарларида натурализмнинг муштарак ва фарқли жиҳатларига сабаб бўлган макон, замон, ижтимоий муҳит таъсири бадий акс эттирилишига доир хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2018-2020 йилларда бажарилган “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (инсон қиёфаси, феъл атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги амалий мақсадли лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги №04/1-2202-сон маълумотномаси). Натижада муаллиф тафаккури, воқелик дискурси, лисоний элементларнинг конструктив функциялари, адабий таъсир каби поэтик хусусиятларининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари аниқлик киритилган;

хар иккала муаллиф ижодида ўзи яшаган жамиятдаги даҳшатли воқеалар, ноҳақликлар, уларнинг инсон онгига, табиатига, ҳатти-ҳаракатига таъсири, золим жамиятдан қочиш, муаммони мантиқий ҳал этишда тушқунлик, муаммони четлаб ўтиш каби мотивларни воқелантиришда муаллиф тафаккури, қаҳрамоннинг шахсий муаммолари, маънавий ва психологик изланишларига доир илмий натижалардан Бухоро давлат университетида 2014-2015 йилларда бажарилган АҚШнинг SUZ800-14-GR064 рақамли “Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари” (“The problems of poetic translation from American and English literature into Uzbek and comparative versification”) мавзусидаги хорижий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 20 сентябрдаги №05-01-1339 -сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида таҳсил олувчи талабаларга умуммиллий ва замонавий қарашларни шакллантиришда бадий асарларнинг ўрни тўғрисидаги хулосаларни етказиш орқали лойиҳа иштирокчиларининг инглиз ва Америка адабиётига қизиқишларининг ортишига ва лойиҳа мазмунининг бойишига эришилган;

Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодидаги натурализм хусусиятлари, қаҳрамонлар табиатидаги иродасизлик, жамиятнинг ва асосан моддий бойликнинг салбий таъсири каби масалаларнинг ифода этилиши билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро», «Everyday English», «Илм Дунёси» каби туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 18 августдаги №1/197-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг ҳозирги кунда натурализмнинг Америка ва ўзбек адабиётдаги бадий талқинига хос хусусиятлар ҳақидаги илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва юртимиз адабиётлари шарҳи амалга оширилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотда фойдаланилган методлар кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Натурализм адабий оқимининг моҳияти”** деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фасл **“XIX аср охири ва XX аср дебочасида натурализм адабий оқимининг ривожланиши”** деб номланган. Жаҳон адабиётшунослигида натурализм адабий оқим сифатида XIX аср охирида Францияда яралгани ва ривожланганлиги ҳамда унинг асосчиси Француз ёзувчиси Эмиль Золя эканлиги тан олинган. Америка адабиётида эса натурализм дастлаб Франк Норрис ижодида намоён бўлди. Америка адабий танқидчилари Ричард Руланд ва Малколм Бредбериларнинг таъкидлашларича, Франк Норрис Францияда санъат ва адабиётдан таълим олган ва у ердан Эмиль Золя ижодидан таъсирланиб қайтгач, АҚШнинг Калифорния университетида ишлай бошлаган. У ўзи билан Эмиль Золянинг қатор асарларини олиб келган ва унинг натурализмнинг АҚШда ёйилишига замин яратган.⁹

Натурализм Европада тарқалишни бошлаганига бир ярим аср бўлса-да унга нисбатан муносабатда ҳали ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Буни Теодор Драйзер асарларига муносабат мисолида ҳам кўриш мумкин. Драйзернинг ижоди кенг қамровли бўлиб, баъзилар унинг ишлари танқидий реализм адабий оқимига тегишли дейишса,¹⁰ бошқалар унинг ижодини натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади.¹¹ Баъзи манбаларда эса реализм ва натурализм

⁹ Ruland R. and Bradbury M. From Naturalism to Postmodernism. – USA: Penguin Books, 1992. Б-230.

¹⁰ Богословский В.Н., Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века. – Москва: Просвещение, 1979. – С.292; Дубашинский И. Предисловие. В кн. Dreiser Theodore. Sister Carrie. – Moscow: Higher school Publishing House.1968. – С.18.

¹¹ Т. Bronkavich. Dreiser and his contemporaries. – USA: New York Publishing House, 2000. – P.46.

бир оқимнинг ўзи, ёки “натурализмни “кучайтирилган реализм” деб ҳисоблашади.¹² Адиб ва адабиётшунослар орасида натурализмни ҳаттоки “романтизмнинг бир шакли” деб баҳолаганлар ҳам бор.

Ўзбек адабиётшунослигида натурализмга нисбатан аниқ муносабат ва бу борада ёзилган илмий ишлар деярли мавжуд эмас. Адабиётшуносликка оид баъзи асарларда бу борада қисқагина маълумот берилди.

Бу ўринда савол туғилади: нима учун бир асарнинг ўзини, жумладан “Америка фожиаси”ни, рус адабиётшунослари танқидий реализмга, америка адабий танқидчилари эса натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади. Фикримизча, бунинг сабаби шундаки, танқидий реализмда ҳам, натурализмда ҳам жамиятдаги ҳодисалар, атроф-муҳитда содир бўладиган воқеалар қаттиқ танқид қилинади. Танқидий реализм ҳам, натурализм ҳам аслида реализмнинг кўринишларидир. Фақат америкалик олимлар натуралистик асарлардаги протагонист, яъни бош қаҳрамонлар, инсон табиатига объектив ва чуқурроқ тавсиф беришга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, натуралистик асарларда инсон ўз ирода кучига эга бўлмаган, жамият ва табиат, биологик жараёнлар таъсиридаги бир нотавон жонзотдир. У - ўз тараққиёт қонуниятларига эга бўлган табиатнинг бир заррасидир.

АҚШ адабиётшунослигида Стефен Крейн (Stephen Crane), Жек Лондон (Jack London), Френк Норрис (Frank Norris), Теодор Драйзер (Theodore Dreiser), Аптон Синклер (Upton Sinclair) ни кўпгина асарлари натурализм руҳида ёзилган ёзувчилар деб ҳисоблашади ва уларнинг ижтимоий муаммоларни фош этганларини ва дарвинизм ғоялари таъсирида бўлганларини таъкидлашади.¹³

Кўпгина рус ва ўзбек адабий манбаларида эса натуралистлар ижодида Ҳерберт Спенсер фалсафасининг таъсири кучли эканлигини эътироф этишади.¹⁴ Гарчи бу ўринда адабиётшунослар бошқа-бошқа олимлар таъсирини таъкидлаганлари туфайли фикрларда катта фарқ бордай туюлса-да, аслида ундай эмас, чунки Чарльз Дарвин ҳам, Ҳерберт Спенсер ҳам эволюция назариясини, фалсафасини яратган ва ривожлантирган олимлардир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда нашр этилган адабиётшуносликка оид луғатларда натурализмга анчагина кенг эътибор берилган. Бу ҳам ўзбек адабиётшунослигининг жаҳон адабиётшунослигига мантқан кириб бораётганидан далолат беради.

Натурализм ҳақида бир бирига қарама-қарши ва ўхшаш фикрлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам ишимизда бу қарашлардан қайси бирига таянишимизни ва натурализмга оид атамаларни аниқлаштириш учун улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Илмий қидирувимизда Теодор Драйзер ва Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятлари ҳақида сўз юритилар экан, асосан, Америкалик адабиётшунос олимлар фикрига таяниб иш тутдик,

¹² . <http://xroads.virginia.edu/-Hyper/Realism/chap01/html>

¹³ Kathryn VanSpankeren. Outline of American Literature. – USA, 1994.- P.53.

¹⁴ Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века – Москва: Просвещение, 1973. –С.632; Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи – Тошкент:Ўқитувчи,1987 – Б.304

чунки натурализмга француз ёзувчилари асос солган бўлсалар-да, кейинчалик бу ижодий метод Европанинг бошқа давлатлари ва АҚШ ёзувчиларига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, АҚШда бу методда ижод этган адиблар сони бошқа мамлакатлардан кўра анча кўп. Биз юқорида АҚШ натуралист ёзувчиларидан энг таниқли беш нафарини санаб ўтган эдик. Аммо кейинчалик ҳам АҚШда шу оқим таъсирида ижод этганлар мавжуд. Табиийки, ушбу оқим таъсирида ёзилган бадиий асарлар кўп бўлгандан кейин, улар ҳақида ёзилган илмий ишлар, баҳсу мунозаралар ва натижада умумлашмалар ҳам кўп бўлади. АҚШлик адабиётшуносларнинг бошқалардан фарқи шуки, улар натурализмнинг реализм заминиде вужудга келганини эътироф этишлари билан бирга, бу асарлардаги протагонистлар тақдири ва уларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратганлар, натурализм руҳида ёзилган асарлар қаҳрамонлари тақдирига уларнинг иродаси бўшлиғи ёки қандайдир ҳолатларда ташқи муҳит таъсирига етарлича қарши тура олмаганликлари таъсир қилганини илмий далиллаб берганлар. Биз ҳам ўз илмий ишимизда шу йўлдан боришга ҳаракат қилдик. Натурализм ижодий методига реализмнинг бир тури сифатида ёндашиб, уни баъзида “натуралистик реализм” деб ҳам атаймиз. Адабиётшуносликда “танқидий реализм”, “социалистик реализм”, “янги реализм” (new realism) сеҳрли реализм (magic realism) каби атамалар қаторида “натуралистик реализм” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин деб ўйлаймиз. Чунки бу атама натурализмнинг алоҳида бир ижодий метод эмас, балки реализмнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлаб туради.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Натурализм ва танқидий реализмнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари» деб номланган. Танқидий реализм, натурализм оқимидаги бадиий асарлар, бу асарлар ва оқимлар ҳақидаги илмий ишлар шуни кўрсатадики, танқидий реализм ва натурализм (ёки натуралистик реализм) орасидаги асосий фарқ бош қаҳрамонлар тақдирига, уларнинг атроф-муҳит таъсирига қарши тура олиш, ёки унга бўйсуниб, инқирозга юз тутиш, уларнинг иродаси мустаҳкам ёки бўшлиғи билан белгиланади.

Биринчи бобнинг “Натурализм адабий оқими намояндаси Теодор Драйзер - Америкача ҳаёт тарзининг моҳир мусаввири” сарлавҳаси остида берилган учинчи фаслида америка, рус ва ўзбек адабиётшунослари асарларига таянган ҳолда, Драйзернинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Теодор Драйзер ижодида натурализм тамойиллари”** деб номланган иккинчи боби ҳам уч фаслдан таркиб топган бўлиб, унинг “Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” (“Sister Carrie”) романида натуралистик образлар” номли илк фаслида натурализмга реализмнинг бир тури сифатида ёндашилиб, унда воқеалар ҳаққоний тасвирланиши, аммо инсон бир иродасиз жонзот тарзида берилиши ҳамда унинг тақдири фожиавий тугагини романнинг бош қаҳрамони Керри мисолида ёритиб берилган. Асарнинг асосий ғояси Америкада барча учун баробар имкониятлар мавжуд, деган ақидани фош этишга бориб тақалади. Камбағал қиз Керри артистлик орқали аҳволини ўнглаб олган бўлса-да, у

бунга ахлоқий тубанлик натижасида эришади. Керри бахтга ҳақиқий меҳнат, ҳақиқий санъат орқали эришмоқчи бўлса-да, лекин ўша жамиятда бунинг мумкин эмаслигини тушунади.

Асарнинг яна бир қаҳрамони - Ҳерствуднинг ҳаёти бутунлай ўзгача. Керри пастдан юқорига кўтарилган бўлса, Ҳерствуд, аксинча, юқоридан пастга қараб боради. У Керрини деб оиласидан, мавқеидан, бойлиги-ю обрў-эътиборидан айрилади, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилса-да, мувофақиятсизликка учрайди, ишсизлиги туфайли Керри олдида кундан-кунга ҳурматини йўқотади. Оқибатда ҳам маънан, ҳам жисмонан емирилади, ўзига қарамай кўяди ва охирги қолган пулини ўзининг жонига қасд қилишга сарфлайди. Бундай умидсизлик, ожизлик натурализм руҳида ёзилган асарларга хосдир.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романи – натурализм ижодий методининг ёрқин намунаси” деб номланган. Маълумки, “Америка фожиаси” биринчи жаҳон урушидан сўнг 1925 йилда нашр этирилган икки жилдли роман бўлиб, “бу асар воқеликни кенг қамраб олиши, кўтарилган ғоя ва танқидий фикрларнинг чуқурлиги, бадий маҳоратнинг юксаклиги билан жаҳон прогрессив адабиётининг энг яхши реалистик асарлари қаторидан жой олди.”¹⁵ Ёзувчи Гриффитс фожиаси воситасида ўзи яшаган жамиятдаги даҳшатли воқеаларни, ноҳақликларни, уларнинг инсон онгига, табиатига, ҳатти-ҳаракатига таъсирини кузатади, тасвирлайди ва аёвсиз танқид қилади. Мана шу кучли танқид туфайли кўпгина рус ва ўзбек адабиётшунослари ушбу романни танқидий реализм ижодий методи ва адабий оқимига тегишли деб, Драйзернинг ватандошлари – америкалик адабиётшуносларнинг аксарияти эса натурализмнинг ёрқин ифодаси деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Ричард Руланд, Малколм Бредбери, Катрин ВанСпанскерин асарларида ушбу асарга натурализм намунаси сифатида ёндашилган.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “. “Даҳо” (The "Genius") романидаги Юджин Витла - ҳирсу ҳавасга енгилган инсон образи” сарлавҳаси остида берилган. Драйзернинг “Америка фожиаси” ва “Бахтиқаро Керри” романларидаги каби, “Даҳо”даги воқеалар ҳам Америка ҳаётининг ёрқин тасвирларига бой, пухта ёзилган реал асосда ривожланади. Ушбу ҳаққоний тасвирлар ёзувчига роман протагонистларининг жамиятда тутган ўрнини аниқроқ кўрсатишга ва уларга нисбатан муносабатини ифодалашга ёрдам беради. “Даҳо” романида воқеа-ҳодисаларнинг ривожининг бошқачароқ талқинига дуч келамиз. “Америка фожиаси”да натурализм бош қаҳрамоннинг ўлими, “Бахтиқаро Керри”да аёл кишининг иффати топталганида ифодаланиб, яқун топса, “Даҳо” романида ташқи муҳит ва биологик омиллар натижасида оиланинг ва инсон иқтидорининг емирилиши кузатилади.

Диссертациянинг **“Абдулла Қодирий ижодида натурализм хусусиятлари”** номли тўрт фаслдан таркиб топган учинчи бобининг илк қисми **“Абдулла Қодирий (1894-1938) – нодир иқтидор соҳиби”** деб аталган. Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари, ижодкорлик

¹⁵ Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи - Тошкент:Ўқитувчи,1987. – Б.310.

махорати, асарларида мурожаат қилинган мавзулар, масалалар, қатағон қилиниши сабаблари ўзбек адабиётшунослигида анча кенг ва чуқур ўрганилган. Жумладан, ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди борасида И. Султон, М. Қўшжонов, У. Норматов, Б.Каримов А.Алиев, И.Мирзаев, Ф. Насриддинов, С. Мирвалиев, Н.Каримов, Ч.Турдиев, Ғ.Муродов, А. Расулов, Х. Умуров, Х. Исмагуллаев, С. Мелиев, Ч. Ризаев, А.Улуғов, М.Қаршибоев, Х. Лутфиддинова, Қодирий авлодлари ва бошқа адабиётшуносларнинг китоблари, илмий мақолалари, тадқиқотлари мавжуд.

Хориж адабиётшунослигида эса Н. Тун, И.Балдауф, З. Клайнмихел, Е. Олворт, Х. Мурфи, Е. Наби, А. Мерхан, Л. Климович каби олимлар адиб ижоди борасида тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек, Абдулла Қодирий замондошларидан унинг асарларига танқидий кўз билан қараган Назир Тўрақулов, Сотти Ҳусайн, Ғози Юнус кабиларнинг мақолалари воситасида ўша даврдаги баҳсу мунозаралардан, кескин қарама-қаршилиқлардан воқиф бўламиз. Ушбу масалалар, баҳсу мунозаралар ўзбек адабиётшунослигида анчагина кенг муҳокама этилганлиги, ҳали ҳам эътибордан четда эмаслигини қайд этган ҳолда, биз диққатимизни Абдулла Қодирий асарларининг ҳозиргача ўрганилмаган жиҳатларидан бири – улардаги натурализм хусусиятларини Теодор Драйзер ижоди билан таққослаб тадқиқ этишга қаратдик.

Абдулла Қодирий (1894-1938) – нодир иқтидор соҳиби, ўзининг умрибоқий асарлари билан миллионлаб китобхонлар кўнглини забт этган ёзувчи, шоир, драматург ва публицист, ўзбек роман жанри асосчиси. Умнат Тўйчиев таъбири билан: “Ўтган кунлар” биринчи ўзбек миллий романи бўлгани каби биринчи миллий реалистик катта прозаси бадиий тили эришган чўкки ҳам эди”.¹⁶

Адибнинг асарларига бўлган катта қизиқишни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан 2019 йили Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан нашр этилган “Мангуликка дахлдор адиб” рисоласи¹⁷ мисолида кузатишимиз мумкин. Ушбу рисола уч бўлимдан таркиб топган бўлиб, биринчи бўлимда Абдулла Қодирий асарлари, иккинчи бўлимда Адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар, учинчи бўлимда адиб ҳаёти ва ижодига тааллуқли электрон ресурслар борасида тўлиқ маълумот берилган. Иккинчи бўлимда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 669 асар номи (электрон ресурслардан ташқари) келтирилган бўлиб, бу Абдулла Қодирий ижоди атрофлича ўрганилганидан дарак беради. Аммо дунёнинг энг машҳур адиблари ижодини ўрганишнинг поёни йўқлиги, сир-синоати кўплиги каби Абдулла Қодирий ижодининг янги-янги қирраларининг очилиши ҳам табиийдир. Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар, адибнинг ёзувчи маҳорати ҳақида ёзилган асарлари билан танишар экансиз, унинг Ғарб адабиётидан хабардор эканлиги эътиборни тортади. Гарчи Абдулла Қодирий Қатағон қилиниб, унинг

¹⁶ Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б.106.

¹⁷Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Мангуликка дахлдор адиб. (Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан) –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2019. – Б.100

асарларини ўқиш кўп йиллар давомида таъқиқланган бўлса-да, унинг ижоди китобхонни ҳамма вақт қизиқтириб келган ва асарлари ҳамон севиб ўқилади.

Учинчи бобнинг “Обид Кетмон” қиссаси - коллективлаштиришни ўзгача талқин қилган асар” сарлавҳали иккинчи фаслида асарнинг айрим ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Бу асарда оддий халқ вакили бўлган Обид кетмоннинг одамийлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, ернинг тилини яхши билиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида билагонлиги тасвирланган.

Бизнинг давримизда “Обид кетмон”нинг охирги нашри 2017 йилда амалга оширилиб, таниқли адабиётшунос Умарали Норматов асарни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, сўзбоши ёзган. Ушбу сўзбоши қуйидагича бошланади: “Абдулла Қодирийнинг эътиборга сазовор деярли барча асарлари қатори «Обид кетмон» қиссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади. Вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган, фақат «синфий ёндашув»нигина мезон қилиб олган, аслида, чинакам илмий синфий ёндашишдан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид бу қисса моҳиятини бузиб, уни «идеологик бузуқликлар ва хатолар»га тўла, «сиёсий тутуриқсиз» деб эълон қилди”.¹⁸

Абдулла Қодирийнинг замондош ҳамюртлари орасида уни “майда буржуазия ёзувчиси” деб ҳисоблаб, унинг қатагон қилинишига ҳисса қўшганлардан Сотти Ҳусайн “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1929 йил 123-сонида ёзади: “Абдулла Қодирий пролетариат инқилобиға нисбатан узоқроқ кишидир. Чунки ҳақиқатан А. Қодирий майда буржуазия ёзувчисидир. Унинг синфий асосини белгилаш таҳлил вақтида катта аҳамиятга эгадир.”¹⁹

Абдулла Қодирий ижодига бундай муносабатни турли сабаблар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, ёзувчининг улкан иқтидорини, унинг муваффақиятларини кўролмаслик, иккинчидан, Абдулло Қодирий ижод соҳасида Ўзбекистон шароитида ўз давридан анча илгарилаб кетганлиги сабабли, унинг асарлари моҳиятини етарлича тушуна олмаслик.

Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссасига бевосита ўз илмий ишимиз мавзуси доирасида, яъни унда натурализм хусусиятларининг бор-йўқлигини ўрганиш нуқтаи назаридан ёндашсак, унда натурализмга хос жиҳатлар йўқлигини кузатдик. Бу асар шўролар ҳукумати даврида, барча қардош халқлар адабиётига хос бўлганидек, социалистик реализм методида ижод этилган. Аммо “Обид кетмон” қиссасида социалистик реализм асарларига хос бўлган коммунистик партияни, шўролар ҳукуматини, социалистик ватанни мадҳ этиш, халқнинг миллий анъаналарини, диний-руҳий одатларини оёқости қилиш жиҳатлари кузатилмайди. Унда коллективлаштириш даврига янгича нуқтаи назардан, ёзувчи учун хавфли бўлса ҳам, реал ҳаёт нуқтаи назаридан ёндашилган. Шуниси эътиборлики, ёзувчининг коллективлаштириш соҳасига ўзгача қарашлари, ҳозирги даврда, яъни асар ёзилган даврдан 90 йилга яқин вақт ўтгандан кейин ҳаётга жорий қилинди, бунга мисол тарзида ҳозирги даврда қишлоқ ҳаётида фермер хўжаликларга, якка хўжаликларга кенг йўл очилганини, динга эътиборни

¹⁸ Норматов У. Сўзбоши / Қодирий, Абдулла. Обид кетмон: қисса. Абдулла Қодирий. - Т.: Info Capital Group, 2017. 5-6.

¹⁹ Қодирий, Абдулла. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б.808.

кўрсатиш мумкин. Бу ҳам Абдулла Қодирийнинг ўз вақтида нақадар илғор фикрларга эга бўлганини, нодир жасорат соҳиби бўлганини далиллайди.

Учинчи бобнинг “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида натурализм хусусиятлари” номли учинчи фаслида диссертация муаллифининг “Ўткан кунлар” талқинига янгича ёндашуви намоён бўлган.

Абдулла Қодирийнинг 1925-1926 йилларда китоб ҳолида нашр этилган “Ўткан кунлар” романида тасвирланган воқеалар, ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, 1264 хижрий, 1847-48 милодий йилдан бошланиб, 1269-хижрий, 1852-милодий йилда ниҳоясига етади. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида яратилган биринчи роман бўлиб, унда тарихий воқеалар, ўша даврдаги оила, никоҳ, урф-адатлар, ота-она ризолигига бўлган муносабатлар нодир маҳорат билан тасвирланган. Аммо мунаққидлар ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган бу асар ҳақида анча вақтгача фикр билдирмаганлар. Бунинг сабабини адабиётшунос олим Баҳодир Карим қуйидагича изоҳлайди:

“Абдулла Қодирийнинг қалами ўткирлиги, ҳажвга усталигини таъкидлаган муаллифлар негадир адиб романига муносабат билдиришмади. Журналда фасллари босилгандан ташқари алоҳида китоб кўринишида нашр этилганда ҳам, танқидчилик одамлар завқ-шавқ билан ўқийётган роман ҳақида бир сўз демади. Баъзан «Ўткан кунлар» номигина тилга олинди... Хўш, адабий танқиднинг сукутини, «Ўткан кунлар» романига муносабат билдирмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Асар жанрига кўра ўзбек адабиётида, албатта, янгилик эди. Фикримизча, бундай йирик жанрдаги бадиий асарларни махсус тадқиқ этишнинг илмий-назарий концепциялари ҳали адабий танқидчиликда шаклланмаган эди”.²⁰

Кўриниб турибдики, Баҳодир Карим “Ўткан Кунлар” романини ўша даврдаги мунаққидлар нима учун сукут билан кутиб олганларини объектив баҳолаган, яъни ўша даврда Ўзбекистонда йирик бадиий асарларни таҳлил қилишнинг аниқ илмий-назарий концепциялари мавжуд эмас эди. Шунингдек, Баҳодир Карим 1930-йиллардаги тадқиқотларда адибнинг ижодий методи масаласига ҳам диққат қилинганини эътироф этади ва бунга Сотти Ҳусайннинг “Абдулла Қодирий асосан романтик бўлиб, қисман реалистдир. Натурализм унсурлари ҳам чакана бордир” деб ёзганини мисол келтиради.”²¹ Бу ўринда Сотти Ҳусайннинг натурализмни эслатгани ва уни қандай изоҳлагани эътиборимизни тортди. Сотти Ҳусайннинг таъкидлашича “Абдулла Қодирий табиатни тасвир қилганда албатта қаҳрамонларининг қандай боровини кўзда тутди. Табиатдаги кўриниш билан қаҳрамонлардаги аҳвол руҳиятни солиштириб боради”.²²

Юқорида берилган Сотти Ҳусайн ишидан келтирилган кўчирмада Сотти Ҳусайннинг натурализмни ҳозирги америкача адабий талқиндан бошқачароқ, асосан табиат ва унинг қаҳрамон руҳияти билан уйғунлигини тасвирлаш деб тушунгани сезилиб турибди. Мунаққид натурализм ижодий методи тушунчасига бир томонлама ёндашган бўлса-да бу ҳали натуралистик бадиий

²⁰ Карим, Баҳодир. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур: илмий монография / - Тошкент: Akademnashr, 2014. - Б.12.

²¹ Ҳусайн С. «Ўткан кунлар». -Тошкент - Баку, 1931. – Б.66.

